



АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
18 август куни Бекобод шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидан бошлади. Мамлакатимизнинг энг йirik ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган ушбу комбинатда қора металл парчалари ва чиқиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олтита лойиҳа устида иш олиб бoрилмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эришти ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизикди.

Яқинда Олмалик шаҳрида бўлди. Олмалик ва Бекобод металлургия шаҳри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг sanoati ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шаҳарни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шаҳар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентябридан 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб бoрамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатга олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб бoрамиз. Бу катта соғлом рақобат икки шаҳарнинг жадал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш энг катта масала.

Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Шудринг» номли 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларга 61 минг 755 бола қамраб олинган.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳри мисолида боғча ёшдаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда ҳусусий боғчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат қўрқатиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқараши бoйи-тиш, нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифидо мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқади, уларни қийнаётган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бекобод шаҳридаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Металлург-мадад» ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бу ўзифодасини топди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдаги 234 хонадонда 750 дан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Уларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қувурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар ўрнатилиб, кузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаётган муаммолар ҳам етарли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ушбу ширкат, балки қарийб бутун Бекобод шаҳрига хос. Тоза ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб бермайди.

Президентимиз Навоий вилоятидаги «Ariston thermo — UTG» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади. Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекобод шаҳридаги иссиқлик тизини билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйлари индвидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланадиган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларга ўрнатиладиган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида бeрeлади.

Халқимиз олдида қарзимиз кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларини ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрганиб, боғча, мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга қўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот бeради.

Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайдилар. Уларга бугун яхши шароит яратиш беришимиз керак. Барча амалга ошираётган ишларимиздан қўзланган мақсад-муддао ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

Одамларнинг яхши яшашини қўлай шароит яратиш, зарур ҳаётий воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, иш билан таъминлаш — демографик ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қўра, мамлакатимиз аҳолиси 32 миллион 345 мингдан ошди. Аҳоли сонини йилдан-йилга кўпайиб бoрмоқда.

Буни Бекобод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда шаҳар аҳолиси 90 мингдан зиёд. 2035 йилга бoриб аҳоли нўфуси 110 мингга етиши кўтилмоқда. Бу ўз-ўзиндан «демографик ўсиш» талабларини бажаришни тақозо этади.

Ҳўш, бу вазифа қандай ва ниманинг ҳисобига бажарилади?

Президентимиз Бекобод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдиротида асосий эътиборни аини шу масалага қаратди.

Қайд этилганидек, аҳоли турмуш фаровонлиги — меҳнат бозоридagi

вазиратни барқарорлаштириш, бандлик соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, кичик sanoat зонаси фаолиятини йўлга қўйиш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан таъминланади.

Ҳусусан, 2017-2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиҳа амалиётга татиқ этилиб, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади.

Янги мавзелар қурилади, кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

Уйлар Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун тижорат банкларининг кредити ҳисобидан қурилади. Ҳар йили ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади. Мавзедаги биринчи уйлари бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида боғ яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, бир сўз билан айтганда, мўъжаз шаҳарча барпо этиш бўйича кўрсатмалар бeрди. Шаҳарчани тез ва қисқа фурсатда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, уни «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви», деб номлашни таклиф қилди.

Бекобод шаҳрида жорий йилда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уй қурилмақда. 2018 йилда ҳудди шундай яна 10 кўп қаватли уй-жой барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳар марказий шифохонаси биноси 1964 йилда қурилган, бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. 2017-2018 йилларда бу ерда 12 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. Бир миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолига янада кенг қўлайлик яратиш мақсадида Тошкент — Бекобод йўналишида электрчиза қатновини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Халқимизда «қадрлаган — қадр топар», деган нақл бор. Хотирлаш эса ҳаётдан кўз юмганларни эс-лаш ва уларнинг ҳақиқаи хайрли дуолар қилишидир. Президентимиз Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркомилоннинг турмуш ўртоғи бевақт вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросимида иштирок этиб, хонадон эгаларига қўқур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага қўмак кўрсатиш бўйича тегишли топшириқлар бeрди.

Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш одамлигининг энг олий мезонидир. Президентимизнинг ушбу теран маъноли сўзлари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида, ташаббус ва тақлифларида бу ҳақиқат яққол намоён бўлмоқда. Бу Бекобод шаҳар аҳолиси вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам яна бир бор ўзифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида «Металлург» маданият саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этиди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техник базани такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига хос усуллари кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси

1-иловага мувофиқ;
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3- ва 4-илваларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директориға зарур ҳолларда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент-шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетиди маблағлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инобатга олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Қўллон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти давлат корхонаси давлат қўчмас мулки объектларида ижара тўловисиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги «Тонг юлдузи» ва «Класс!» газеталари ҳамда «Гулхан» ва «Ғунча» журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даромадлари билан таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетиди ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 18 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август куни Тошкент шаҳрида қақариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб бoрeлаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ихросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»-ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига

зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»-ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»-ги (янги тахрири), «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»-ги қонунлари ҳам қўриб чиқарилади.

Шунингдек, ялпи мажлисининг кун тартибига Тошкент вилоятининг Тўйтепа, Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларини

вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш ҳақидаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг айрим раҳбарларига парламент сўрови юбориш, шунингдек, парламент сўрови натижалари ҳақидаги масалаларни ҳам қўриб чиқарилади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиши режалаштирилмоқда. Ўн биринчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва девонни фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот қизмати

Муносабат

ВАТАН УЧУН. МИЛЛАТ УЧУН. ХАЛҚ УЧУН

Бу дунёда кураш кетар туну кун,
Ҳар қарич онг, ҳар бир қарич қалб учун.
Уйғон болам, энг бебаҳо бахт учун —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Жаҳолатнинг байроғи ҳам қорадир,
Инсон яшар ёруғлик барҳақ учун.
Ҳар ўғил-қиз, билсанг, жигарпoради —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ошу нон деб, ном сотганлар, аё, сиз
Уйламангким рўзгорлари талх учун,
Кураш кетар тинимсиз ва аёвсиз —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Разолат тинч турмас ахир ҳеч қачон,
Отлангандай ҳар тонг ҳарбу зарб учун,
Хушёр бўлгил, бедор бўлгил, болажон —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Боболаринг ҳоким бoриб суриштир,
Туғларю туғроларин кўр қучин:
Умрлари бошдан оёқ курашдир —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Маърифатдан нажот изла, иста ком,
Ўқиган ҳар китобнинг бир устун,
Бир кўрғондир, мустаҳкам бир истеҳком —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.



Давр сендан шиддат қутар, жадал қил,
Еш жонингга шунча таҳдид, ҳавф учун,
Умрининг ҳар онин жангу жадал бил —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Шу миллатнинг кўрки сенсан, нақдиз сен,
Жисму жонинг сафарбар эт, қалқ бутун.
Ёвузликка ўзинг тургин қарши сен —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Элнинг шаъну шавкати ҳам зиёси
Сўнмас асло то бор экан бу оқоси.
То уйғoқдир ҳар бир кўзи қарши —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Сирожиқдин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ

демократик ислохотларнинг янги босқичида

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, демократияга эришиш учун, аввало, кучли парламентни шакллантириш талаб этилади. Мамлакат, мустақиллик ҳамда парламент каби улуғвор тушунчаларни бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ ва миллат ҳаёти, тақдир билан боғлиқ қарорлар парламентда қабул қилинади. Шу маънода парламент мамлакат мустақиллигининг муҳим тимсолларидан биридир.



1991 йил 1 сентябрь. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгач, миллий парламентни ри-
вожлантириш бўйича тарихий ис-
лохотлар бошланди.

2000 йил 25 май. Шу кун
иккинчи қақриқ Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлисининг ик-
кинчи сессияси бўлиб ўтди. Сес-
сияда мамлакатимизнинг Биринчи
Президенти Ислоҳ Каримов томо-
нидан Ўзбекистон парламенти —
Олий Мажлиси доимий асосда
ишлайдиган икки палатали тизим-
га ўтказиш тўғрисидаги қарар ил-
гари сурилди.

2002 йил 27 январь. Ўзбекистон Республикасининг
Олий Мажлиси икки палатали пар-
ламентга ўтиши юзасидан рефе-
рендум ўтказилди. Сайловчилар-
нинг қарийб 94 фоизи бунинг ёқ-
лов овоз берди. Шу асосда 2002 йил
4 апрелда «Референдум янгуларин
ҳамда давлат ҳокимияти ташкил
этилишининг асосий принциплари
тўғрисида»ги Конституциявий
қонун қабул қилинди.

2004 йил 26 декабрь. Илк
бор Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Қонунчилик па-
латасига сайлов, 2005 йил 9 ян-
варда такрорий овоз бериш ўткази-
либ, 120 нафар депутат сайлан-
ди ва рўйхатга олинди. Шу асосда
икки палатали парламентнинг қуйи
палатаси — Қонунчилик палатаси
шакллантирилди.

2005 йил 17-20 январь. Кон-
ституцияга мувофиқ, шу кунлар
республикаимиз ҳудудларида
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг юқори палатаси —
Сенатга сайлов ўтказилди. Сенат
аъзоллигига номзодлар халқ депу-
татлари маҳаллий Кенгашларининг
қатта ҳаётий тажрибага эга бўлган
энг обрўли депутатлари орасидан
қўрсатилди. Шунингдек, Сенатнинг
16 нафар аъзоси Президент фар-
монига мувофиқ тайинланди.

Тарихга муҳланган ушбу му-
ҳим саналар ва улар ортида тур-
ган воқеалар орқали Ўзбекистон-
да икки палатали парламент шакл-
ланди. Ўтган давр мобайнида па-
лалалар ўртасидаги ваколатлар му-
таносиб тақсимланди, шу билан
бирга, сиёсий партиялар фракция-
лари, депутатлар ваколатлари кен-
гайди.

**Икки палатали парламентга
ўтиш жараёни аслида қандай
бўлди? Маъмур йўналишда қан-
дай муҳим қонунлар қабул
қилинди? Ўтган даврда икки па-
лалали парламент фаолиятини
кучайтириш бўйича қандай таж-
риба тўпланди?**

Келинг, ушбу саволларга айна-
н шу жараёнинг ичида юрган, пар-
ламентнинг ўзидан туриб, ушбу ис-
лохотларда асосий иштирокчи бўла-
ётган кишилардан жавоб оласк.

— Мамлакатимизда икки па-
лалали парламентнинг қарор топи-
ши ўз вақтида сиёсий ислохотлар-
нинг энг катта, жўшқин ва мар-
казий воқеаси бўлди, десак адаш-
маймиз, — дейди **Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия
Юнусова.** — Бу давлатчилигимиз
тараққиётида, демократик ислохот-
ларни чуқурлаштиришда янги бос-
қични бошлаб берди.

Ўша пайтда мен парламент қуйи

амалда ўз ишларига киришдилар.
Мамлакатимиз қонун чиқарувчила-
рининг ана шу тарихий анжумани-
да Биринчи Президентимиз Ислоҳ
Каримов маъруза қилди. Унда жа-
миатимизни демократлаштириш
ҳамда янгилашнинг аниқ ва теран
асосланган концепциясини,
шунингдек, мамлакатимизни 2005
йилда ва узоқ муддатли истиқбол-
да ислох этиш ҳамда модернизация

қилишнинг асосий вазифалари ил-
гари сурилди.
Икки палатали парламент таш-
кил этилган, Ўзбекистон Респу-
бликасида қонун чиқарувчи ҳокими-
ят ўз тараққиётида янги поғонага
кўтарилди. Энг асосийси, гарчи
қонунчилик жараёни анча мурак-
каблашган бўлса-да, қабул қилин-
ган қонунларнинг сифати сезилар-
ли даражада ошди. Қонунларни
қабул қилишда сиёсий партиялар-
нинг роли кучайди. Қонун лойиҳа-
ларини партияларнинг фракцияла-
рида олдидан қўриб чиқиш,
Қонунчилик палатаси ялпи мажли-
ларида ҳуқуқий ҳужжатлар ло-
йиҳаларини муҳокама қилишда
уларнинг фикрларини албатта эши-
тиш амалиёти шаклланди.

— 2004 йилда Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутатлиги-
га сайланган эдим. Шуни айтиш



керакки, мамлакатимизда икки па-
лалали парламентга ўтиш босқи-
чиди ҳар битта жараён тарихга
кирди, — дейди **иктисод фанла-
ри доктори, профессор Шарбат
Абдуллаева.** — Кўпчилик яхши
билиди, 2000 йилга келиб Ўзбекис-
тонда давлат ҳокимияти Кон-
ституцияга мувофиқ, ҳокимиятнинг
қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва
суд ҳокимиятига бўлиниши прин-
ципи асосан ташкил этилди. Ке-
йинги босқичда эса ҳокимият тар-
моқлари ўртасида ўзаро манфаат-
лар мувозанатининг самарали ти-
зимини жорий этиш вазифаси
қўйилди. Бу ҳам, энг аввало, пар-
ламент фаолиятини қайта ташкил
этиш, унинг назоратини кучайти-
риш, қонун чиқарувчи ва ижро
этувчи ҳокимиятлар ўртасида ти-
йиб туриш принципини амалда
таъминлаш орқали амалга ошири-
лиши мумкин эди.

Ушбу масалаларни ҳуқуқий тар-
тибга солувчи қонун ҳужжатлари-
ни қабул қилиш бошланди. Даст-
лаб «Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Сенати тўғри-
сида»ги ва «Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлисининг Қонунчи-
лик палатаси тўғрисида»ги Кон-
ституциявий қонунлар қабул қилин-
ди. Улар асосида «Ўзбекистон Рес-
публикасининг Конституциясига
ўзгартишлар ва қўшимчалар ки-
ри-
тиш тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекис-
тон Республикаси Олий Мажлиси-
га сайлов тўғрисида»ги қонун,
«Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси

депутатининг ва Сенати аъзоси-
нинг мақоми тўғрисида»ги қонун ва
бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар
қабул қилинди.

Мазкур қонунларда Қонунчилик
палатаси депутатлари ва Сенат
аъзоларининг, жойлардаги давлат
ҳокимияти вакиллик органлари де-
путатларининг мақоми, ваколатла-
ри ва фаолиятининг кафолатлари
белгиланган бўлган.

Мухтасар қилиб айтганда, маз-
кур қонунлар мамлакатимизда де-
мократик ислохотларни янада чу-
қурлаштириш, фуқаролик жамия-
тини ривожлантириш жараёнида
ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

— Парламент ислохотлари
ҳақида гап кетганда бир масалани
алоҳида қайд этиш жоиз. 2008 йил-
нинг 1 январидан мамлакатимиз-
да «Давлат бошқарувини янгилаш
ва янада демократлаштириш ҳамда
мамлакатни модернизация қилиш-
да сиёсий партияларнинг ролини
кучайтириш тўғрисида»ги Консти-
туциявий қонун қўйилди. Эъти-
борлики, мазкур қонун билан сиё-
сий партиялар фракцияларига кат-
та ҳуқуқ берилди, қонун ижодкор-
лиги жараёнида уларнинг ваколат-
и кенгайди, — дейди **Олий Маж-
лис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси
аъзоси Дилмурод Саъдуллаев.**

— Хусусан, Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлисининг Қонунчи-
лик палатасида кўпчилик ўринини
эгаллаган сиёсий партия фракция-
си парламентдаги кўпчилиكنи
ташкил этиши; блок тузатилган бир
нечта сиёсий партиялар фракция-
лари ва Ўзбекистон экологик ҳара-
катидан сайланган депутатлар ҳам
парламентдаги кўпчилиكنи ташкил
этиши; янгидан шакллантирилган
ҳукуматнинг тузган йўли ва дас-
турига ёки унинг айрим йўналиш-
ларига қўшилмайдиган сиёсий
партиялар фракциялари, шунинг-
дек, Ўзбекистон экологик ҳарака-
тидан сайланган депутатлар ўзла-
рини муҳолифат деб эълон қили-
ши мумкинлиги белгиланди.

Бу борадаги ислохотлар йил-
лар ўтган сайин янада кучайиб
борди. Масалан, Биринчи Прези-
дентимиз ташаббуси билан Мам-
лакатимизда демократик ислохот-
ларни янада чуқурлаштириш ва

жараёни қизгин кечиши учун ша-
роит яратилди.

2016 йил 11 апрелда парламент
назоратининг мақсади, субъект-
лари, шакллари, қолаверса, жавоб-
гарлик масалалари белгилан-
ди. «Парламент назорати тўғри-
сида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу
қонун ижро ҳокимияти фаолияти
устидан самарали парламент на-
зоратини ўрнатишда муҳим ҳуқуқий
асос бўлмоқда.

Лекин қонунлар қанчалик
мустаҳкам бўлмасин, вакиллик
ҳокимиятининг мавқеи қанчалик
кўтарилмасин, парламент билан
боғлиқ ислохотларнинг қай да-
ражада халққа фойда бериши
энг биринчи навбатда, депутат-
лар ва сенаторларнинг ўзига,
уларнинг дунёқараши, журъди
ва фидойилигига чамбарчас
боғлиқ экан. Парламент аъзо-
лари шу юрт, шу халқ учун ас-
тойдил жон қўйдирмаса, «қани,
буёғи нима бўлар экан?», деган
хаёл билан томошабинлик по-
зициясида турса, ҳаётимизда
жиддий ўзгаришлар бўлиши,
одамларнинг юксак ишончи
оқланмиши қийин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-
нинг жорий йил 12 июль кунин
парламент аъзолари, сиёсий партия-
лар ҳамда Ўзбекистон экологик
ҳаракати вакиллари билан учра-
шувда билдирган фикрлари, муҳим
таклифлари парламент ислохотла-
ри замон шиддатидан сезиларли
даражада орта қолганини кўрсат-
ди. Қабул қилинаётган ҳар бир
қонун лойиҳаси сайловчилар,
партия электорати, турли табақа
ва гуруҳларнинг манфаатлари нуқта-
и назаридан атрофлича муҳока-
ма қилиниши, фракциялар ушбу
масалаларда принципиал позици-
ясини намоён этиши шартлиги
ўқтирилди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб
ўтган камчиликлардан тўғри ҳуло-
са чиқариб, қонун лойиҳаларига
таклиф, муносабат билдирмишда
партия электорати манфаатлари-
ни келиб чиқиб, депутатлар ўз
позициясини билдириши талаб
этилади. Жойлардаги ҳақиқий
аҳволни изчил ўрганиш, парламент
сўрови имкониятларидан янада
кенгрок фойдаланиш керак.

ЎзХДП фракцияси
позицияси

БАНК СИРИ ҲИМОЯЛАНДИ



Шухрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Олий Мажлис

Қонунчилик палатасида
қонун лойиҳалари бўйича
муҳокамалар изчил тус
оляпти. Суд ҳужжатлари ва
бошқа органлар
ҳужжатларини ижро этиш
ваколати давлат
ижрочилари зиммасига
юклатилганлиги
муносабати билан «Банк
сири тўғрисида»ги қонунга
қатор ўзгариш ва
қўшимчалар киритилишини
назарда тутадиган қонун
лойиҳаси бўйича қизгин
мунозаралар бўлиб ўтди.

Аввало, мазкур қонун лойиҳаси
Президентимизнинг «Электр энер-
гияси ва табиий газ етказиб бериш
ҳамда истеъмол қилиш соҳасида
тўлов интизомини янада мустаҳ-
камлаш, шунингдек, ижро иши
юретиш тизимини тубдан такомил-
лаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги фармонига мувофиқ иш-
лаб чиқилганини таъкидлаш лозим.
Фракциямиз ушбу қонун лойи-
ҳаси юзасидан қатъий позицияда
турди.

Гап шундаки, мазкур қонун ло-
йиҳасида банк сирини ташкил эту-
вчи маълумотлар давлат ижроси-
га унинг ёзма ёки электрон ҳуж-
жат тарзида электрон сўрови асо-
сида тақдим этилиши билан боғ-
лиқ нормани белгилаш кўзда ту-
тилган.

Фракциямиз фикрича, бу ҳолат-
да банкдаги маълумотлар давлат
ижросисига қандай тартибда бери-
лиши очиб берилмаган. Бу эса ама-
лиётда банк мижозларида турли
эътирозлар бўлишига, банкнинг об-
рўсизланишига олиб келиши мум-
кин эди. Шуни ҳисобга олиб, фрак-
циямиз ўз таклифини ишлаб чиқди.
Унга қўра, банкдаги маълумотлар
давлат ижросисига ҳимояланган
электрон тизим орқали тақдим эти-
лиши керак, деган ҳулосага келин-
ди.

Олий Мажлис Қонунчилик па-
латасининг ялпи мажлисида фрак-
циямизнинг ушбу таклифи маъқ-
улланди. Яъни, банк сирини дав-
лат ижросисига тақдим этиш бил-
ан боғлиқ жараён ҳуқуқий жиҳат-
дан ҳимояланган бўлди. Шу би-
лан банк ва мижозлар сирини
ҳимоялаш масалаларида юзага ке-
лиши мумкин бўлган турли
муаммоларнинг олди олинди.


Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Бугунги кунга келиб, сиёсий партиялар фракциялари профессионал асосда фаолият юритиши, ўз фикри,
позициясини билдириши, ҳимоя қилиши учун етарли имкониятга эга бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ДОИМО ҚАЛБИМ АРДОҒИДА

Бугун тезкор, аини пайтда мураккаб бир даврда яшаймиз. Тинчликсевар ва бағри кенг ўзбек халқи эса тараққиёт йўлидан янгича шахд билан одимламоқда. Ушбу жараёнда ганимлар турли игво-фасодлар тарқатса, дўстларимиз ютуқларимиздан қувонмоқда.

Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай холис ниятли дўстлардан бири, асл келиб чиқиши Афғонистон ўзбекларидан, ҳозирда Швеция фуқароси, кўп йиллар давомида Тошкент давлат юридик ва Ислон университетларида ёшларга маърифат зиёсини тарқатган янсон, профессор Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ бўлади.



— Таҳририятимизга хуш келибсиз, устоз! Суҳбатимизни, аввало, халқларимиз бирлиги, дўстлиги тарихидан бошласак...

— Жуда маъқул. Афғонистон ва Ўзбекистон азалдан дўстона муносабатда бўлган. Иккала халқнинг кўп жиҳатдан маданияти, тарихи, адабиёти муштарак. Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини бир умрга боғлаб турадиган шундай ришталар борки, уларни ҳеч ким уза олмайди. Улар олтин кўприклар, деб аталади. Бу олтин кўприкнинг биринчиси Ҳазрат Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир.

Афғонистон заминидан жойлашган бу икки улуг сиймонинг табаррук қадамжолари қайта таъмирланишида, обод қилинишида, музааам, бир зиёратгоҳга айлантирилишида Ўзбекистон халқи ва раҳбариятининг улкан ҳиссаси бор.

Ўзбекистонда тузилган «Бобур» халқаро фонди, унинг жонқуяр раҳбари Зокиржон Машрабов бошчилигидаги экспедиция аъзоларининг ҳозирда ҳам афгон заминидан олиб бораётган саз-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Аини пайтда бу файзли масканлар инсонлар билан гавжум.

Учинчи олтин кўприк, бу — Таҳор вилоти Ишқамий туманида жойлашган Бобораҳим Машрабнинг қабри ва ўзидан қолдирган ирфоний ҳамда лирик асарларидир.

— Устоз, шахсан сизни қандай хотиралар Ўзбекистон билан боғлаб туради?

— Мен биринчи марта Ўзбекистонга 1963 йилда келганман. Ушанда Тошкент мўъжазгина, чиройли бир кент эди. Шаҳар бир неча тарихий ансамбл, шунингдек, Алишер Навоий номидаги академик театр, Муқимий номидаги мусикали театри, асосий кўча ҳисобланган Алишер Навоий кўчаси қатор кўп қаватли бинолардан ташкил топгандек эди менинг тасаввуримда.

Иккинчи бор юртингизга 1978 йилда келиш nasib эди. Бу таширфимда ўша пайтдаги республиканинг раҳбари Шароф Рашидов билан учрашишга мўъссар бўлдим. Кенг мушоҳадали, теран ва самимий фикрлар эгаси, шу билан бирга, босиқ, мулоҳазақорлиги шундоқ юзларидан кўриниб турган бу инсон билан мулоқотимиз анчага чўзилгани ҳамон ёдимда.

Умуман, Шароф Рашидов замонавий Тошкентнинг асосчиси эди. Биргина мисол. Ўша мураккаб даврда ўн бешта иттифоқдош республикалардан бор-йўғи 3-4 тасида бўлган метрони Тошкентда ҳам қурдириш ўз-ўзидан бўлмаган. Бунинг учун каттагина жасорат, донолик ҳам талаб этиларди.

Шароф Рашидов бошқаруви даврида қуриб битказилган икки халқнинг борди-қелдиси-га хизмат қилаётган Ҳайратон ва Термиз дўстлик кўпригининг аҳамияти катта.

1991 йилда Тошкентда бўлиб ўтган бутун туркистонликларнинг форумида катнашдим. Форумдан мақсад чет элда яшаётган туркистонликларни Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва янги бошлаган тарихий ислохотлари билан таништириш эди. Ушанда мен илк маротаба Биринчи Президентингиз Ислон Каримов билан танишиб, ёнида ўтирдим ва Олий Кенгаш залида ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлаб, халқингизга ўз



табригимни изҳор этдим. Эртаси куни Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида катнашиб, улуг шоирга аталган шеъримни ўқидим.

Ҳа, дарвоқе, шулардан гоят таъсирланиб, 1991 йилда Афғонистонда «Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлида» номли катта мақола chop этирган эдим.

Қарангки, орадан қарийб 26 йил ўтди. Бу давр мобайнида Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олди.

— Бу галги сафар таасуротлари ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Юртингизга бу галги ташрифимда кўплаб қизиқарли воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Ҳаммасини бир бошдан айтгай. Қадрдон дўстларимнинг тақлифи билан Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларига бориш, у ердаги бағрикенг инсонлар, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талаба-ёшлар билан учрашиш, суҳбатлашиш nasib эди.

Бухорои шарифни қаранг, шаҳар тамоман ўзгарибди. Жуда ҳам катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилибди. Одамлари-чи? Ҳазрат Абдураҳмон Жомий таъбири билан айтганда, «Ҳар қаричи гавҳарга тўла» диёрнинг дуру зумрадлари бўлган бухороликларнинг қалблари маърифат зиёси билан лиммо-лим.

Навоий вилоятини айтмай-сизми? Шаҳарда замонавий саноат корхоналари, туризм-ман бизнес, бозор инфратузилмаларидан ташқари, маданий-маърифий йўналишдаги мажмуалар берпо этилибди, кўпгина

муқаддас қадамжолар қайтадан таъмирланиб, ободонлаштирилибди, шаҳарга файзу барака кирибди. Бир сўз билан айтганда, кент ҳазрати Алишер Навоий номига муносиб тарзда чирой очибди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмасам бўлмайди. Ўзбекистонда ягона миллий темир йўл инфратузилмаси яратилгани шарофати билан Тошкентдан то Бухорогача «Афросиёб» тез юрар поезида бор-йўғи тўрт соат йўл юрдик. Ундан Навоий орқали Самарқандга қайтдик.

Маълумки, темир йўллар давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар, барқарорлик ва тинчликни сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, ҳозирда Мозори Шарифдан то Ҳиротгача темир йўл қурилиши режалаштирилган. Айтишларча, бу йўлни ўзбекистонлик мутахассислар қуришди.

Навбатдаги манзилимиз дуненинг маръафид кентларидан саналмиш — Самарқанд бўлди. Бу ердаги маҳаббатли тарихий обидалар, ансамбллар ва уларнинг ҳозирги замонавий, бежиди бинолар билан уйғунлигини кўриб, роса ҳавасингиз келади.

Самарқандда Ислон Каримов қабрини зиёрат қилдик. Мени лол қолдирган ҳолат шу бўлдики, зиёратга келаётганларнинг охири кўринмайди. Етти ёшдан тортиб, то етмиш ёшгача бўлган кишилар. Улар бу жойга келиб, мана шундай тинч ва обод ҳаёт учун миннатдорликларини билдиришмоқда. Бу чўқур эҳтиром ва юксак маънавият белгиси, деб

ўйлайман.

Мен аминманки, ўз раҳбарини ардоқлаган, унинг ортини эргашган халқнинг эртаси албатта порлоқдир. Чунки шу халқини ўйлаб, унинг тинч-лигию равнақи йўлида тинмай, фидойи меҳнат қилаётган раҳбарларнинг қадрига етган халқ ҳеч қачон кам бўлмаган.

Юртингизнинг турли ҳудудларидаги бунёдкорликларни ўз кўзим билан кўраканман, бу ўзгаришлар тимсолида мен эртанги Ўзбекистон тараққиётининг сиймосини кўрдим, десам тўғри бўлади.

— Ўзбекистоннинг янги-ча тараққиёт йўлини қандай баҳолайсиз?

— Биласизми, Ўзбекистон заминидан янги, истиқлол насллари кўкарибди. Мустақиллик даврининг болалари. Уларнинг теран фикрлари, ғайрат-шижоати, интилишлари, ўз олдига қўйган орзу мақсадлари мени ниятда ҳайратлантирди. Асосийси, улар эртанги кунга қаттиқ ишонишди. Кичкина мисол. Ўзбекистонда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилибди. Бундай университетлар дунёда у қадар кўп эмас.

Бугунги ислохотлар шиддати ва амалга оширилаётган ишлар суръати ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортади. Албатта, бунинг замирида улуг ният, буюк мақсадлар борлигини сезиш қийин эмас. Биргина жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб аталишида қанча маъно бор.

Мени хурсанд қилган яна бир ҳолат шундай бўлдики,

мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшларнинг ўрни беқиёс. Уларни бошқарувнинг барча жабҳаларида кўрасиз. Улар учун юзлаб алоҳида клублар, турли ижодий, илмий тадқиқот марказлари ишлаб турибди. Мана, яқинда Президентингиз фаол ёшлар билан учрашув ўтказди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мақоми оширилди. Бу ҳам ўйлайманки, ёшларингизга берилган улкан имконият, катта эътибор натижасидир.

Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистоннинг мавқеи халқаро майдонда ҳам юксалиб бормоқда. Бунда, албатта, Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини изчил олиб бораётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари катта. Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар саммитида давлатингиз раҳбари илгор бир фикрни олға сурди, яъни терроризм ичида тинчлик бўлмайди, бутун дунё терроризмга қарши курашиши кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши минтақа учун, бутун дунё учун жуда муҳим. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик бўлмас экан, бутун минтақада тинчлик ва барқарорлик бўлмайди. Бу йўлда биз ҳар қандай ҳамкорликка тайёремиз, дейилди. Президентингизнинг чиқишини диққат билан эшитарканман, мен Афғонистон замини фарзанди сифатида бу фикрни чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Тинчлик бўлса, ободончилик бўлади, тараққиёт бўлади, барқарорлик бўлади.

Яқинда Швецияга Афғонистондан мингга яқин муҳожир, жумладан, ёш болалар ҳам эмиграция қилинди. Ўша болаларнинг ота-онаси менинг наслим тирик қолсин, деб ўз зурриётларини бошқаларга бериб юборишга мажбур бўлишмоқда... Бу катта фожиадир. Лекин яхшиликка бўлган умидимизни ҳеч қачон сўндирмаслигимиз керак.

Эзгулик йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган бағрикенг ва тинчликсевар Ўзбекистон халқига, унинг раҳбарига Яратгандан битмас-туганмас куч-қувват, ғайрат-шижоат тилайман. Ўзбекистон доимо қалбим ардоғида. Сизларга омад, бахт-саодат ҳамisha ёр бўлсин!

— Ўзбекистон овози» мухбири Обиддин МАХМУДОВ суҳбатлашди.

Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий йилнинг 3 август куни ижодкор зиёлилар билан бўлиб ўтган йиғилишида билдирган фикрлари бунинг далилидир.

КИНЕМАТОГРАФИЯ САНЪАТИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди

Мазкур қарорда миллий кинематография соҳасининг меъриий-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, кинематография объектиларини тўлиқ реконструкция ва модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бошқача айтганда, мамлакатимизда кино санъатини ривожлантиришнинг барча йўналишлари қамраб олинган.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат бююртмаси асосида 10 бадий, 5 мультпликацион фильм тайёрланди. «Зумраша» болалар юмористик киножурналининг 1-2-3-сонли тайёр ҳолатда 4-сонли суратга олиш жараёнида, 13 ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар. Шунингдек, 15 ҳужжатли фильм ишлаб чиқаришга туширилди.

Мамлакатимизда 24-26 мартда «Япон киноси кунлари», 11-13 апрелда «Туркман киноси кунлари», 3-7 майда «Шум бўла» IV ўзбек ва немис кинолари фестивали, 22-23 майда кунлари Грузин киноси кунлари ҳамда 22-28 майда V Европа кинолари фестивали муваффақиятли ташкил этилди.

Жорий йилда Словакия, Эстония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Греция, Россия давлатларида «Ўзбек киноси кунлари»ни ўтказиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда эса Италия, Россия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий фильмларини намойиш этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!» номли тарғибот тадбирлари юртимизнинг деярли барча вилоятларида ўтказилди.

Айни кунларда ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Унда 35 ёшга тўлмаган киноижодкорлар сўнгги 2 йил мобайнида суратга олинган қисқа метражли бадий фильмлари билан катнашишлари мумкин. Ҳозирда ушбу фестивалда иштирок этиш учун аризалар қабул қилинмоқда. Мазкур фестивал жорий йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган «Ёшлар ҳафталиги» доирасида ташкил этилади.

Президентининг ижодкор зиёлилар билан учрашувида долзарб вазифалар белгилаб берилди. Бугун кино санъати зиммасида замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш, улуг боболаримиз ҳаёти, маънавий мероси ҳақида муносиб фильмлар олиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофли жавоб олдилар.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси жамоаси «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси катта муҳаррири Муҳаммад Юнусовага отаси Пўлат АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Пайшанба — профилактика куни

ФАРЗАНДИНГИЗ НАЗОРАТИНГИЗДАМИ?

Полвонзода мактабда аъло баҳоларга ўқир эди. Лекин оиласидаги эътиборсизлик туфайли 16 баҳорни қаршилаган ўсмир дастлаб ўқишни сусайтирди, кейинчалик тарбиясида нуқсон билан тенгдошларига қўшилиб, тўғри йўлдан ҳам адашди. Унинг кўчада майда безориликлар билан шуғулланиб юргани маҳалла профилактика инспекторининг назоратидан четда қолмади.

Шайхонтоҳур туманининг Кўкча маҳалласида профилактика кунига бағишланган тадбирда 2001 йилда туғилган Полвонзода Жумаев ва 1997 йилда туғилган Андрей Колобонингиз содир этган жинояти муҳокама этилди.

Туман ички ишлар бошқармаси ходимларининг маълумот беришича, жорий йилнинг 11 август куни тахминан тунги 03:00 дан 03:30 гача бўлган вақт оралиғида иккала ўсмир ўзганинг мол-мулкни яширин талон-тарож қилиш мақсадида жиноятга қўл урган. Улар Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи

Камолитдин Маҳкамовга тегишли давлат рақами 01 А 655 YA белгилли «Спарк» русумли автомашина олд эшиги кулфини бузиб, машина ичидан буюмлар излаётган пайтда туман ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба кунлари

ўтказилаётган профилактика тадбирлари ҳудудларда озоишталликни янада мустаҳкамлашда юксак самаралар бермоқда, — дейди Шайхонтоҳур тумани ИИБ Оқтепа маҳалласи профилактика инспектори Абдуғаффор Набиев. — Бунинг натижасида тадбирда қатнашаётган маҳаллий аҳоли аввало, фарзандлари, кўниқўшини, қариндош уруғларини содир этилаётган жиноятлардан тегишли хулоса чиқариб, доимо хушёр ва сергак бўлишга, ўсиб келаётган ўғил-қизларини бундай ҳолатлардан узоқ бўлишга ундамоқда.

Ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар профилактика тадбирига йиғилган маҳалла фаоллари, ҳудуд аҳолиси ва туман ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда таҳлил этилди. Уларнинг ота-онаси-га фарзанд тарбияси энг биринчи галдаги вазифалардан экани ўқтирилди.

Даврон СУННАТОВ, ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»



акциядорлик компаниясининг барча акциядорлари, кредиторлари ҳамда аффилиланган шахслари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2006 йилдаги ПҚ-446-сонли қарорига биноан ташкил топган «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Нефтьгаз тармоғида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3107-сон қарорига асосан, «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси акциядорларининг 2017 йил 31 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори билан «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» акциядорлик жамияти деб қайта номланганини маълум қилади.

«Ўзнефтьгазқазибчиқариш» акциядорлик жамиятининг устави 2017 йилнинг 8 август куни 10-000079-сон билан рўйхатга олинди.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(0371) 235-88-00, 235-89-00, 235-85-42.

Ижроия органи, Бошқарув

Яхшиликка бўлган умидимизни ҳеч қачон сўндирмаслигимиз керак.



«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидаги «ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»



акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни энг улуғ ва энг азиз айём —
Ватанимиз Мустақиллигининг
26 йиллиги билан қутлайди.

Ҳурматли истеъмолчилар! Фойдаланган электр
энергияси ҳақини ҳар ойнинг 10-санасидан
кечиктирмай тўлашни унутманг.



Хизматлар лицензияланган.
Маҳсулотлар сертифициланган.

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ «Имконият»

ютукли жамғарма омонати бўйича ютуқлар
тиражи ўтказилишини эълон қилади

Ҳурматли омонатчилар!

«Имконият» омонати бўйича ютуқлар тиражи Тошкент
шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча
вилоятларда

2017 йилнинг 20 — 28 август кунлари ўтказилади.

Тиражлар якунига кўра омонатчилар 490 дан ортиқ маиший
техника буюмларидан бирига ҳамда супер ютуқ —

14 та «Spark»

автомобилидан бирига эга бўлишлари мумкин.

Барча омонатчиларни «Имконият» омонатининг
ютуқлар тиражида иштирок этишга таклиф этамиз.

Қўшимча маълумотларни «ipotekabank.uz» веб-сайти
ёки (0-371) 150-89-56, 150-89-55, 150-67-10 телефон
рақамлари орқали олишингиз мумкин.



Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган.



«ФАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси



юртдошларимизни
мустақиллигимизнинг 26 йиллиги
билан муборакбод этади!



**Тинчлигимиз бардавом,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!**

Маҳсулотлар сертифициланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838

9236

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 23:05

Topshirilgan vaqti — 00:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2020-7633



1 2 3 4 5 6